

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҚИШ ЗИЙНАТИ”

Гуруҳ	Ўрта					
Мавзу	Янги йил нима?					
Муддат	Декабрь ойининг 4-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Арқон устида мувозанатни сақлаб юриш, тиззани баланд кўтариш, тўсиқдан сакраб ўтиш, арқончада сакраш, гимнастика скамейкасида қўлларига таянган ҳолда қорин билан судралиш, қўлларни чўзиш малакаларини ривожлантириш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ҳиссиётларни баён қила олиш, ролли ўйинларда фаол қатнашиш, машғулотларда диққатни жамлаш, ўйин учун қўлай шароит яратиш, дўстлари билан дўстона мулоқотга киришиш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Бошланган ҳикояни давом эттириш, фикрини тўлиқ баён этиш кўникмаларини шакллантириш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Предметларни 2-3 хил белгилар асосида гуруҳларга ажратиш, кун тартибига риоя қилишга ўргатиш				
	Ижодий ривожланиш	Қўшиқдаги паст ва баланд мусикани фарқлаш, мусиқа асбобларининг овозини фарқлаш, тасаввурдаги шаклларни чизиш, предметларга шакл бериш, мустақил равишда ижодий ишлаш малакаларини ривожлантириш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Қоғоздан арча		Янги йил арчаси учун ўйинчоқ хайвончалар		Намуна, оқ ва рангли қоғозлар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш	Янги йил байрами, Ялмоғиз кампирнинг қилмишлари				Никоб, арча ва ўйинчоқлар
	Тил ва нутқ	Ҳаётий ҳикоя қилиш: Мен арча байрамини қандай ўтказдим?				Сюжетли расмлар
	Фан ва табиат	Тупроқ билан амалий тажриба				Лупа, тупроқ, патнис, сув пуркагич суви билан.
	Санъат	Расм: Қорқиз меҳмонга келди		Лой иши: Янги йил байрамида хайвонлар ташрифи		Канцелярияжиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

ДЕКАБРЬ. ТҮРТИНЧИ ҲАФТА ЯНГИ ЙИЛ НИМА?

Кўриш-яшаш ва математика маркази

Қоғоздан арча

Мақсад: болалар оригами усулида икки қаватли учбурчак ясайдилар, учта турли ўлчамдаги учбурчакларни тартиб бўйича жойлаштириб арча яшашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун учта яшил рангдаги учбурчаклар (5х5 ҳажмли, 7х7 ҳажмли, 9х9 ҳажмли), намуна, қорбобо ўйинчоғи, оригами усулида яратилган арча, сунъий арча.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кўриб чиқиш.
2. Топишмоқ ва шеър ёдлатиш.
3. Керакли анжомларни ҳозирлаш.
4. Ижодий иш жараёни
5. Болалар ишлари таҳлили ва намоиши

Қўшимча: сайрда арчани кузатиш, арчани бошқа дарахтлар билан таққослаш.

Эътиборга молик жиҳати: орасталикка эътибор бериш, бадиий дидни ривожлантириш.

Кўриш-яшаш ва математика маркази

Янги йил арчаси учун қоғоздан ўйинчоқ ҳайвончалар яшаш

Мақсад: болалар қоғоздан ҳайвончалар яшашни биладилар; қоғоздан “шар”, “айлана” ясайдилар, ҳар хил шаблонлар чизиб контурлар орқали қирқадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, кубик, лего, рангли қоғозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кўриб чиқиш.
2. Бажариладиган ишни схема асосида режалаштириш.
3. Зарур ашёларни тайёрлаб олиш.
4. Ижодий иш жараёни
5. Арча тагига тайёр ўйинчоқларни ўтказиш.

Қўшимча: қиш тўғрисида шеър ва ашулалар айтишга ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: карта-схема асосида иш юритишни ривожлантириш; орасталик, аниқликни тарбиялаш, бошлаган ишни охирига етказиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

Ялмоғиз кампирнинг қилмишлари

Мақсад: болалар ялмоғиз кампирнинг хусусиятларини эслайдилар, эртак қаҳрамонлари билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: арча, ҳар хил эртак қаҳрамонлари ниқоби, атрибут, қорбобо ва совғалар солинган қоп.

Фаолиятнинг бориши:

1. Байрам ҳақида суҳбат.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Кийимларни кийиш.
4. Образга киришиш.
5. Ўйин жараёни

6. Ўйин якуни муҳокамаси.

Қўшимча: болаларга ялмоғиз кампирнинг ёмон одатларига тақлид қилмасликлари ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: актёрлик маҳорати ва ҳиссиётларни баён этиш.

Тил ва нутқ маркази

Ҳаётий ҳикоя тузиш: Мен арча байрамини қандай ўтказдим?

Мақсад: болалар ўз ҳаётий тажрибаларига асосланиб ҳикоя тузадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзули расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Арча байрами ҳақида суҳбат.
2. Расмларни кўриб чиқиш.
3. Режа тузиш.
4. Ҳикоя тузиш.
5. Ҳикояни дўстларига сўзлаб бериш.

Қўшимча: шеър ёдлатиш, ҳикоя ўқиш, топишмоқ топиш, таълимий ўйинлар.

Эътиборга молик жиҳати: товушларни тўғри талаффуз қилиш.

Фан ва табиат маркази

Тупроқ хусусиятлари. Амалий тажриба

Мақсад: болалар тупроқнинг хусусиятлари ва унинг таркиби, тупроқнинг ўсимликлар ҳаётидаги роли ҳақида биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лупа, қошиқ, стаканча, қум, тупроқ, нам салфетка, патнис, сув пуркагич(суви билан).

Фаолиятнинг бориши:

1. **1-амалий тажриба.** “Тошдан қум оламиз”. 2 дона тошни олиб бир-бирига ишқалаймиз (Худди шамол каби). Тошни стаканга солиб лупани оламиз. Қум қанақа рангда? Қошиқни олиб стакандаги қумни аралаштирамиз. У қанақа? (сочилувчан). Шамол эсса у билан нима бўлади? (сочилади).
2. **2-амалий тажриба** “Тупроқнинг юзага келиш жараёни”. Тошчани стаканга олиб шиша идишга соламиз. Юқорида тошчаларни шамол нимага айлантирди? (қумга). Қум солинган стаканни олиб тошнинг устига сепамиз. Қаранг, сайёрамизда қандай қилиб кўп қум пайдо бўлди?
3. **3-амалий тажриба** “Ёпишқоқ лой”. Лойни кузатиш. Болалар стаканга сувни солиб аралаштирадилар ва қошиқ билан идиш ичига қумни соладилар.
4. **4-амалий тажриба** “Тупроқни лупа билан кузатиш”. Тупроқ қумнинг майдаси, озроқ гилдан ташкил топган. Унда кўпроқ нима бор? (илдизлар учун фойдали озуқавий модда).

Қўшимча: Тош ва қумнинг пайдо бўлиши ҳақида ривоят.

Қадим замонларда бизнинг сайёрамизда фақатгина баланд тоғлар яшар экан. Улар ким баланд ўйинини ўйнашни яхши кўриб, ўзларидан узоқ масофага қайноқ тошларини отиш бўйича мусобақалашар эканлар. Атрофда фақат қайноқ тошлар учар экан. Баланд тоғлар нималар? (вулқон). Шунда сув ва шамол баланд тоғларни тинчлантирмоқчи бўлибдилар. Сув вулқонга нима қилибди? (томчилабди) ва баланд тоғ озгина совий бошлабди. Шамол нима қилибди?(эсибди) ва баланд тоғлар кўпроқ совий бошлабди. Уларни кўрган куёш тоғларни музлаб қолишидан сақлаш учун исита бошлабди. Улар узоқ шундай ишлашибди. Сув

томчилабди, шамол эсибди, қуёш эса иситибди. Уларнинг кўз ўнгида баланд тоғлар катта ва кичкина тошларга бўлиниб парчалана бошлабди. Шамол тошлар билан ўйнай бошлабди. У уларга эсиб нима қилибди? (учирибди) Учган вақтида бир-бирига нима қилибди? (урилибди) ва қумга айланибди.

Лойни юзага келиш жараёни ҳақида ривоят: Сув, шамол ва қуёш хафа бўлибдилар. Улар кўп ҳаракат қилиб қум тайёрлай олишибди, лекин унда гул ўсиб чиқибдими? (йўқ). Шунда улар янада кўпроқ ишлашибди. Шамол нима қилибди? (эсди); қуёшчи? (иситди). Қум жуда майда бўлиб қолибди, сув эса юқоридан қумнинг устига томчилабди. Қум зарралари бир-бирига ёпишиб нима бўлди? (лой).

Эътиборга молик жиҳати: табиий материаллар билан ишлашда ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, болаларнинг фаол ҳаракати.

Санъат маркази

Расм: Қорқиз меҳмонга келди

Мақсад: болалар Қорқизни пўстини билан тасвирлайдилар (пўстиннинг этаги кенг, енги елкасидан), варақ бўйлаб катта қилиб чизадилар. Буёқ ва мўйқалам билан тўғри ишлашни ўрганадилар. Бўёқни мўйқаламда суртгандан сўнг, унинг қуришини кутиб ва устидан қайта бўйяйдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, буёқ, тўғри тўртбурчак шаклидаги ёрқин рангли қоғозлар, Қорқиз ўйинчоғи, канцелярия жиҳозлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кўриб чиқиш.
2. Ишни режалаштириш ва жиҳозларни танлаш.
3. Ижодий иш.
4. Болалар ишларининг намоиши.

Қўшимча: эртак ҳикоя қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: буёқ ва мўйқалам билан тўғри ишлаш, бажараётган ишларини кузатиш, пўстин ва бош кийимни безаш.

Санъат маркази

Лой иши: Янги йил байрамига ҳайвонлар ташрифи

Мақсад: болалар лойдан мураккаб бўлмаган эскизлар яратадилар. Умумий мазмун бўйича шаклларни биладилар, шаклларни тахтачага ўрнатадилар. Лой ишида турли усуллардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳайвонлар суратлари, пластилин, стек, ўйинчоқлар.

Фаолият турлари:

1. Намуналарни кўриб чиқиш.
2. Болаларга ўйнаётган иккита айиқчани ясашни таклиф этиш.
3. Айиқчаларни қандай ўйнаши ҳақида суҳбат.
4. Лой иши усулларини аниқлаш.
5. Болалар ижодий ишлари жараёни
6. Ишлар намоиши.

Қўшимча: болаларнинг ўйинчоқлари билан ўйнаш жараёни. Инсонларнинг ташқи тузилиши ва ҳаракатини кузатиш. Ҳайвон расмларининг намоиши. Лой иши усулларида фойдаланиш.

Эътиборга молик жиҳати: мураккаб бўлмаган шаклларни яшаш малакаси